2006 ЙИЛ, 8 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 109 (10.666)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг интернетдаги веб-саҳифаси очилиши муносабати билан тақдимот маросими ўтказилди. Айтиш керакки, ушбу веб-саҳифа Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги «Ахборотлаштириш соҳасида норматив ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тасдиқланган Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом асосида очилди.

● Уст-юрт заминидаги «Қорақалпоғистон» посёлкасидаги йирик Шахпахта конида қўшимча босим беришга мўлжалланган газ компрессори станцияси ишга туширилди. У бир кеча-кундузда 1,3 миллион кубометр табиий газни магистрал газ қувурларига ҳайдаб бериш қувватига эга.

● «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан Самарқанд тиббиёт институтида «Болаларнинг бегонаси бўлмайди» мавзуида хайрия тадбири ўтказилди.

● «ЭКОСАН» экология ва саломатлик ташкилотининг ташаббуси билан Санитария, гигиена ва экологик маданият ўн кунлиги ўтказилмоқда. Тошкентдаги «Туркистон» ёзги саройида «ЭКОСАН», Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган экофестиваль ҳақиқий табиатга меҳр ва эътибор байрамига айланди. Унда Экология ва саломатлик кунлари кўрик-танловларининг якунлари сарҳисоб қилинди.

● Россия билан иқтисодий ҳамкорлик натижасида Кўқонда каучукни қайта ишлаш ва резина маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича «2-F Texnology grup» корхонаси иш бошлади. Ушбу корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган тўрт юздан ортиқ турдаги маҳсулотлар асосан хорижга экспорт қилинмоқда.

● Термиз шаҳрида тўла таъмирдан сўнг йирик шифохона — вилоят болалар касалхонаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда қурилиш ва ихтисослашган таъмирлаш ташкилотлари ярим йил ичида фақат 100 миллион сўмга яқин бюджет маблағларини ўзлаштирган ҳолда қурилиш ишларини амалга оширдилар.

● Навоий вилоятининг энг чекка ва аҳоли жипс истиқомат қилувчи микрорайонларида яшовчи минглаб оилалар учун Спутник посёлкасида «Бунёдкор» гузари янгиланган биносининг очилиши ўзига хос совға бўлди. Реконструкция ишлари бу ерда атиги бир ой давомида «Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти маблағлари ҳисобига амалга оширилган бўлса, гузарни мебель ва бошқа анжомлар билан маҳаллий тадбиркорлар жиҳозлашди.

ЖАҲОНДА

● Филиппин Конгресси мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Мазкур лойиҳа мамлакат Президенти Глория Макапагал Арройо томонидан тасдиқланиши керак. Маълумотларга қараганда Президент парламент ташаббусини қўллаб-қувватлаши ва қабул қилинган ҳужжатни имзолашини билдирган.

● Эрон Ташқи ишлар вазири Манучехр Моттаки мамлакат ҳукумати ўз ядро дастурини дипломатик йўллар билан ҳал қилиш учун музокараларга тайёрланаётганлигини маълум қилди. У Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича олий вакили Хавьер Солана томонидан берилган таклифларни ижобий баҳолади.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан томонидан эълон қилинган янги ҳисоботда айтилишича, дунёда 200 миллионга яқин одам туғилиб ўсган юртидан олисларда яшар экан.

● Германиянинг собиқ канцлери Герхард Шрёдер North European Gas Pipeline Company компаниясида фаолият кўрсатишни бошлади. Таъкидлаш жоизки, ушбу компания Болтиқ денгизи тубидан Россиядан Германияга янги экспорт газ ўтказгичини қуриш ишларини амалга оширади.

● Россиянинг федерал хавфсизлик хизмати Москвада Қалмиқистондан сенатор бўлган Леон Чахмачянни ҳибсга олди. Махсус хизмат вакиллари ўтказган опэрация натижасида сенаторнинг кейсидан 300 минг доллар пул топилган. Аввалдан ишлов берилган пуллар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Маълумотларда айтилишича, Чахмачян жами 1.500.000 АҚШ долларини пора тариқасида талаб қилган.

● Польша ва Словакия табиий офатдан азият чекмоқда. Сурункали ёмғир натижасида рўй берган сув тошқинлари туфайли Польшанинг жануби-шарқидаги Мовий Сач ҳамда Тарнов вилояти аҳолиси хавфсиз жойларга кўчирилди. Словакиянинг 50 га яқин аҳоли пункти ҳам тошқиндан катта зарар кўрди. Бу ерларда фавқулодда вазият эълон қилинган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**КЕЧА** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 3-кутубхонасида 289- мактаб ҳамкорлигида ёш китобхонлар иштирокида уюштирилган беллашув «Оқ теракми, кўк терак» деб номланди.

●**БУГУН** Учтепа туманидаги «Чевар» ишлаб чиқариш корхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Ҳуқуқингизни биласизми?» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

●**КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги «Табассум» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маҳалланинг фаол аёллари иштирокида уюштирилган давра суҳбати аёлларнинг ҳуқуқий соҳасидаги билимларини янада юксалтириш масаласига бағишланди.

●**КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги «Оқлон», «Исломобод» маҳаллалари, 42-оилавий поликлиника, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбатида аёллар маънавиятини юксалтириш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилишига қарши кураш масалалари муҳокама этилди.

●**КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида туманнинг фаол аёллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раисалари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Оила — муқаддас даргоҳ» деб номланди.

●**КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Кислород заводи» очиқ акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Конституция—бахтимиз қомуси» деб номланди.

●**ЯККАСАРОЙ** туман ҳокимлигида КЕЧА туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Оила» маркази ҳамкорликларида «Терроризмга қарши кураш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.



Тадбиркорлик

ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ САМАРАСИ БУГУНГИ КУНДА БОЗОРЛАРИМИЗДАГИ ХОРИЖНИКИ БИЛАН БЕМАЛОЛ РАҚОБАТЛАША ОЛАДИГАН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРДА ЯҚҚОЛ КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА.

СИФАТИ БИЛАН ХАРИДОРГИР

Хусусий тадбиркор Муяссар Икромова ҳам ўз йўналишини топиб, ички бозорни харидор талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда сифатли кийим-кечаклар билан таъминлашга интилаётганлардан. У кичик цех ташкил қилиб тадбиркорлик билан шуғулланар экан, ўз ҳунарини ишга солиб маҳаллий хом ашёдан аёллар, эркаклар ҳамда болалар кийимларини тайёрлашни мақсад қилди.

Тадбиркор замонавий техника ва дастгоҳларнинг сифатли маҳсулот тайёрлашидаги аҳамиятини ҳис этган ҳолда Туркиянинг тўқув дастгоҳларини ўрнатди, хорижий тикув машиналари сотиб олди. Бир нечта аёлни иш билан таъминлади.

Муяссар маҳаллий хом ашё—пахтани қайта ишлаш асосида тайёрланган ип-калавадан трикотаж матолари тўқиб, улардан кийим-кечаклар тикишни йўлга қўйди. Асл мақсади четдан келтириладиган товарлардан асло қолишмайдиган маҳсулотлар билан аҳолини таъминлаш, ички бозорда ўз ўрнини топиш бўлгани боис ҳам кийим-кечаклар дизайнига, турларига эътибор қаратди. Айниқса, жажжи чақалоқлар учун тикилаётган зарур кийимлар Муяссарнинг изланишларидан далолат беради.

—Бугунги пайтда, яъни ўтган 2 йиллик қисқа фаолиятим давомида 50 хилдаги кийим-кечаклар моделларини ишлаб чиқаришга жорий этдим, —дейди Муяссар Икромова.—Асосий хом ашё—ип-калавани Андижондан оламиз. Мато тайёр бўлгач эса буюртмага кўра уларни «Турон-текстил» ҳамда «Импекс» корхоналарида бўятамиз. Бўятиш даврида сифатга, яъни бўёғи ўчмаслигига, ювганда чапланиб кетмаслигига эътибор қаратамиз. Барча маҳсулотларимиз сертификатланган бўлиб, модельер-дизайнер сифатида бозорни, харидор талаб ва эҳтиёжини ҳамиша ўрганиб бораман.

Муяссарнинг 25 йил тикувчилик соҳасида ишлаганлиги бугунги тадбиркорлик фаолиятида қўл келмоқда. Хусусий тадбиркор ўз цехларида тайёрланган маҳсулотларни «Болалар дунёси», «Тошкент универмаги» сингари йирик савдо шохобчаларида шартнома асосида харидорларга етказиб бермоқда. Айни кунларда эса болалар кийим-кечакларига республикамиз вилоятларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Шогирдлар билан ҳамкорликда ишлаётган тадбиркор аёлнинг келгусида ўз режалари бор. Бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибордан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириб, хусусий корхона ташкил этишни ният қилмоқда. Ана шунда у хотин-қизлар учун қўшимча ишчи ўринлари яратиш баробарида маҳсулот турларини ҳам кўпайтиради. Энг муҳими эса ўзимизда тайёрланган сифатли ва рақобатбардош товарлардан харидорларимиз мамнун бўлишади. Бу, албатта, иқтисодиётимиз ривожида ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: тўқув цехидаги замонавий дастгоҳни Саидазим Икромов бошқаради; Саида Ҳошимбекова Муяссарнинг уқувли шогирдларидан саналади; тикув цехида.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар





МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ХИТОЙ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ СИЁСИЙ БЮРОСИ ДОИМИЙ ҚЎМИТАСИ АЪЗОСИ ЛИ ЧАНЧУНЬ 7 ИЮНЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ Э.ХАЛИЛОВ ҲАМРОҲЛИГИДА «В.П.ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИДА БЎЛДИ.

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МУЛОҚОТЛАРИ

Корхонада ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги замонавий самолётлар хитойлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Делегация аъзолари, айниқса, оғир юк ташишга мўлжалланган Ил-76 самолётларини катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

Шу куни делегация аъзолари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ташриф буюрди. Мазкур олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, таълим соҳасида ҳам изчиллик билан ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хитойлик меҳмонлар Ўзбекистон Давлат санъат музейини ҳам бориб кўрдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

6 ИЮНЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ КОМИССИЯ РАИСИ МИРЗАУЛУҒБЕК АБДУСАЛОМОВ БОШҚАРДИ.

Мажлисда Олий Мажлис Сенати айрим аъзоларининг ваколатлари тўғрисидаги, янги таҳрирдаги Марказий сайлов комиссияси Регламентининг лойиҳаси тўғрисидаги, шунингдек Комиссиянинг жорий йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси лойиҳаси ҳақидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Шавкат Исмаилович Салихов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб тайинланди. Абдимўмин Сунназарович Жўраевнинг Самарқанд вилояти Халқ депутатлари Пастдарғом тумани Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига аъзолик ваколати Комиссиянинг қарори асосида муддатидан илгари тугатилди.

Мажлисда сайлов тизимини янада демократлаштириш борасида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, хорижий давлатларнинг сайлов ўтказиш бўйича тўпланган тажрибасини ўрганиш ишларини яхшилаш зарурати алоҳида таъкидланиб, Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг бу ишларни амалга ошириш юзасидан вазифалари белгиланиб, аниқ чора- тадбирлар мўлжалланди.

Комиссия мажлисида муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ ВА АХБОРОТ- КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР, ЖОЙЛАРДАГИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2006 йил биринчи ярим йилидаги режасининг ижроси муҳокама қилинди. Режа доирасида ишлаб чиқилаётган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди, айрим масалалар бўйича маърузалар тингланди. Тиббиёт муассасаларида телетиббиёт сеансларини ўтказиш бўйича пилот лойиҳасининг ижроси шулар жумласидан.

Кенгаш аъзолари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш истиқболларини ҳар томонлама муҳокама қилди, давлат статистика ҳисоботларини энг янги компьютер технологиялари асосида топширишда электрон шакллардан фойдаланиш бўйича пилот лойиҳаси дастури кўриб чиқилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2005-2006 йиллардаги баённомаларидаги топшириқлари ижроси ҳам таҳлил қилинди. Масъул раҳбарларга айрим бандлари бўйича камчиликлари кўрсатилди, уларни тезкорлик билан бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда давлат органлари веб-сайтлари фаолияти мониторинги натижалари кўриб чиқилди. Вазирликлар ва идораларга уларнинг узлуксиз фаолият кўрсатиши ҳамда расмий веб-сайтларнинг мунтазам равишда янгиланишини таъминлаш топширилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорига кўра ташкилот ва муассасалар интернет адресига расмий реквизит мақоми берилди. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятларига ўз веб-сайтлари адресини мазкур муассасаларнинг расмий бланкаларига киритиш топширилди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2006 йил 9 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Маҳалланг—ота-онанг

БАМАСЛАҲАТ ИШ ЮРИТГАН ЮТАДИ

БИЗНИНГ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ)НИНГ ЭШИГИ ҲУДУДИМИЗДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ҲАММА МАҲАЛЛАДОШЛАРГА ОЧИҚ. КЎНГЛИ КЕНГ, ЛАБИДАН ТАБАССУМ АРИМАЙДИГАН БУ ОЛИЖАНОБ ИНСОННИНГ ҚАЛБИ МЕҲР ЎТИ БИЛАН ЁНАДИ. НИҲОЯТДА ПОК, КАМСУҚУМ, ИЙМОН-ЭЪТИҚОДИ МУСТАҲКАМ, ВАТАН ШАЪНИНИ, ХАЛҚ МАНФААТИНИ ҲАММА НАРСАДАН ЮҚОРИ ҚЎЯДИГАН, КАМТАРИН ИНСОН.

Бу одамнинг ғайрат-шижоатини, меҳнатсеварлигини, инсонпарварлигини, эзгу ишларга доимо бош-қош бўлганлигини эътиборга олган маҳалла аҳли уни якдиллик билан учинчи марта "Илғор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) этиб сайлашди.

Раиснинг энг муҳим фазилати камтарлиги ва самимийлигидир. У маҳалладошларидан ажралиб турмайди, ниҳоятда оддий, фуқароларга бирдай хушмуомала. Унинг хонасига илк бор келган киши доимо хурсанд, мамнун бўлиб чиқишига аминман. У ҳамиша ўзини мустақил тутадиган, ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда қадр-қимматини туширмайдиган ғурурли одамларни қадрлайди, ўзи ҳам шунга интилиб яшайди.

Аҳмаджон Зокиров маҳаллада одамларни бир-бири билан келиштириб қўйишнинг ажойиб усулини қўллаши натижасида олқишга сазовор бўлмоқда. Кўп йиллар муқаддам маҳалладаги икки обрўли кишилар бир-бирлари билан ҳеч чиқиша олмасди. Гузарга чиққанимда уларнинг бири янги раисга фалон одам ёмон, ғийбатчи дея маҳалладошини ёмонлай бошлади. Аҳмаджон диққат билан, лекин хотиржам унинг гапини эшитиб, ўзини сал ҳайрон бўлгандек тутиб, хатто афсус билан:

—Мана, сиз у киши ҳақида бу хилдаги ёмон гапларни айтяпсиз, у бўлса ўтган ҳафтада менинг олдимда эди, сизни мақтади, боадаб, кўп ишларга қодир, маҳаллага ён босадиган, фақатгина чўрткесарлиги бор, деди. Гапирган одам "шунақами" дегандай хижолат бўлгани сезилди ва гузардан узоқлашди...

Аҳмаджон ниҳоятда оқиллик билан иш юритади. Ўзидан ёши улуғларни, устозларнинг ҳурматини жойига қўяди, ёшларга эса меҳрибон. Маҳалладошларидан кучли, иродали ва интизомли бўлишни, ота-она ва Ватанга муҳаббат қўйишларини, уларни садоқат билан севишга ўргатади, мустақил давлатимиз қонунларига бўйсунишни талаб қилади. Шу тариқа у "Илғор" маҳалласида яхшилик уруғининг кўпайишига эришиб, кўплаб ибратли ва хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда эса маҳаллада кўп ибратли ишларни амалга ошириб, ўзига хос ютуқларни қўлга киритаётганининг сири, ёнига изланувчан, ташаббускор маслаҳатчи фуқароларни йиғиб, улар билан бамаслаҳат, баҳамжиҳат иш юритаётганлигидадир.

Бу ҳолни ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан маҳалладошлар — Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, уруш ва меҳнат фахрийси Иброҳим Рашидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Ғуломжон Қўчқоров, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Малик Набиев ва бошқалар ҳам эътироф этдилар.

Шундай қилиб, шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), котиби ва маслаҳатчилари очиқ овоз бериш йўли билан сайландилар.

Раисликка маҳаллада яшовчи уч нафар фуқаро даъвогарлик қилиб ўз номзодларини қўйган эдилар. Мажлис куни йиғилишда уларнинг икки нафари (бири соғлиғи панд бераётганидан, иккинчиси тайёрлаган дастури бўшлигини айтиб) ўз номзодларини қайтариб олишларини билдирдилар. Мажлис аҳли розилик билдирди.

Аҳмаджон Зокиров яна бир муддатга қайтадан "Илғор" маҳалла фуқаролари йиғини раиси (оқсоқоли) этиб сайланди.

Тўхтасин ҒАНИЕВ,
меҳнат фахрийси

Иқтисодиёт

СЕРВИС ХИЗМАТИ ҲАМ КЎРСАТИЛАДИ

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТЕЖАМКОРЛИГИГА МУҲИМ ҲИССА ҚЎШИШГА ИНТИЛАЁТГАН «ELEKTRON-XISOBLAGICH» ЎЗБЕКИСТОН—ХИТОЙ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТАДБИРКОРЛАРИ ФАҚАТГИНА ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИБ ҚОЛМАЙ, ЭНДИЛИКДА СЕРВИС ХИЗМАТИНИ ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИШМОҚДА.

Ушбу хизмат мижозларга қўл келиши, уларнинг мушкулини осон этиши, шубҳасиз. Чунки малакали мутахассислар қисқа вақт мобайнида носоз электрон ҳисоблагичларни созлаб беради. Шунингдек, бундай хизматни республикамизнинг барча вилоятларида ҳам ташкил этиш, бунинг учун махсус бригадалар тузиш кўзда тутилган.

Корхонанинг бугунги фаолияти хусусида тўхталадиган бўлсак, жорий йилда 1 миллион дона замонавий электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни буюртмачиларга етказиб бериш кўзда тутилгани боис ҳам Хитой давлатидан қўшимча жиҳозлар келтирилиб, иш суръатини ошириш кўзда тутилган. Ана шунда қўшимча ишчи ўринлари яратилиб, бир кеча-кундузда 2600 та электрон ҳисоблагич тайёрлашга эришилади.

Шунингдек, аҳоли учун бир фазали электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқарилаётган бўлса, жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб 3 фазали ускуналар корхона ва ташкилотларга ҳам ўрнатиш ниятида ишлаб чиқарилади. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Яна бир қувонарли нарса шуки, маҳсулот учун корпуслар ҳам янги ташкил этилган цехда тайёрланиши кўзда тутилмода.

ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁДАН

«ИЖОД-ИЖОД» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ҚАДИМИЙ ОБИДАЛАРИМИЗНИ ҚАЙТА ТИКЛАШДА ҲАМДА МИЛЛИЙ МЕЪМОРЧИЛИККА АСОСЛАНГАН ИНШООТЛАР БУНЁДКОРЛИГИДА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА.

Шу билан биргаликда корхона тадбиркорлари ўзлари тайёрлаган маҳсулотлари билан қимматли меросимиз саналган қадимий иншоотларни таъмирлашда, салобатли биноларни қуришда фаол иштирок этишмоқда.

Корхонанинг сопол маҳсулотлари ўз безаклари билан тарихий обидаларни янада кўркамлаштирса, ҳозирда қад ростлаётган иншоотларда кенг қўлланиладиган нақшинкор-ўймакор устунлар, эшик ва ромлар, панжара ва бошқа кўплаб турдаги ёғоч маҳсулотлари маҳаллий хом ашёдан тайёрланиб кўрган кўзларни қувонтирмоқда.

Айни кунларда эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш устида изланаётган тадбиркорлар пластмасса қолдиқларини майдалаб, ана шу иккиламчи хом ашёдан сифатли маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйишмоқчи. Албатта, янги цехларда қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилади.

Шарофат БАҲРОМОВА

ОБОД ГЎШАНИНГ ҚУТЛУҒ КУНИ

ОИЛАЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМЛИГИ, ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИДА БИЗНИНГ БЕБАҲО МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ БЎЛМИШ МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ АЛОҲИДАДИР. ТАЪКИДЛАБ ЎТИШ ЎРИНЛИКИ, УШБУ ТУЗИЛМАНИНГ АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ТАРИХИ, ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАСИ БОР.

Яқинда Ҳамза туманидаги «Янгиобод» маҳалласининг 40 йиллиги кенг нишонланди. Тантанада маҳалла аҳли қаторида қатнашган туман ҳокимлиги, таълим муассасалари, турли жамоат ташкилотлари вакиллари томонидан самимий қутловлар билдирилди.

— «Янгиобод» маҳалласи ўз номи билан янгитдан обод қилинган маскан, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла фахрийси Миркодир Каримов. — Аввалларибу ерларда пахта ва сабзавот етиштирилган. Маҳалла, уй-жой бўлмаган. 1966 йилги зилзиладан кейин бу жойлар аҳоли кучи билан обод қилинган. Бугунга келиб маҳалламизда 2150 дан зиёд киши истиқомат қилади.

— Шуни ҳам айтишимиз керакки, яқинда шу маҳаллада узоқ йиллар давомида яшаб ўтганларга бағишлаб «Хотира муқаддасдир» китобини нашр этдик ҳамда «Янгиобод» маҳалласининг дарвозасини қуриб битказдик. Маҳалламизнинг 40 йиллик тўйи муҳим бир сана билан ҳамоҳанг ўтказилади, — деди маҳалла оқсоқоли Хурсанали Тожиаҳмедов. — Умуман, мен маҳаллани бир олий даргоҳга таққослайман. Бу ерда кўп нарсани ўрганиш мумкин. Орттирилган билим ва тажрибани атрофдагиларга улашиш эса одамга янада кўтаринки руҳ бахшида этади, фақат яхшилик қилишга ундайди. Маҳалламиз бошқа маҳаллалардан қайсидир жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради дея олмайман. Аммо янгиободликларнинг ўзига хос салоҳияти, қолаверса, ўзига яраша анъаналари бор. Биз бугун 40 йиллигимизни нишонлаяпмиз. Ният қиламизки, вақти келиб шу қутлуғ даргоҳда илдиз отган оилалар фарзандлари маҳалламизнинг 100 йиллигини, асрлик тўйларини ҳам тантана қилади.

Барно ШЕРБОЕВА

МАЪМУН АКАДЕМИКЛАРИ НОБЕЛЬ МУКОФОТИГА САЗОВОР

ГЕРМАНИЯ ПОЙТАХТИДА ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИНИНГ 1000 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ АРАФАСИДА УНИНГ ДУНЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН БУЮК МУТАФАККИРЛАРИ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда иштирок этган Берлин-Бранденбург Фанлар академияси, Макс Планк номидаги Илмий жамият Фанлар тарихи институти илмий ходимлари XI асрда ушбу илм-фан даргоҳида самарали ижод қилган Абу ибн Ироқий, Абу Ҳаммар, Абу Райҳон ал-Беруний, ибн Сино ва бошқа кўплаб аждодларимизнинг буюк илмий меросининг аҳамияти ва нодирлигини таъкидлашди.

Берлин-Бранденбург Фанлар академияси аъзоси, профессор Г.Штромайер сўзларига кўра, хоразмшоҳ Маъмун давридаги гуллаб-яшнаш ва барқарорлик, унинг илм-фанни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши Шарқ диёрларидаги буюк алломаларнинг Хоразмга келишига сабаб бўлган. Немис олими Ўзбекистон раҳбариятининг Хоразмда Маъмун академиясини қайта тиклаш тўғрисидаги қарорини «мамлакатнинг маънавий ва илмий меросига катта эътибор берилишидан далолат беради», деб таърифлади.

Г.Штромайер қомусий аллома Абу Райҳон ал-Берунийнинг фалакшунослик, геодезия, жўғрофия, маъданшунослик соҳаларидаги кашфиётларига алоҳида эътибор қаратиб, «Агар 1000 йил бурун Нобель мукофоти мавжуд бўлганида эди у, шак-шубҳасиз, ислом оламининг буюк олими Абу Райҳон ал-Берунийга берилган бўлур эди», — деб таъкидлади.

Профессор Г.Штромайер ўзининг Беруний илмий ишларидан баъзи парчалар жамланган китобини Маъмун академиясига ҳадя қилиб, кузда Хоразмда ўтказилажак халқаро юбилей симпозиумида Беруний ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий маъруза билан чиқишга тайёрлигини изҳор этди.

«Давра суҳбати» қатнашчилари жорий йилнинг иккинчи ярмида Берлинда Германиянинг илмий доиралари вакиллари иштирокида Маъмун академиясига бағишланган илмий конференция ўтказиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,
«Жаҳон» АА,
Берлин

АНИҚ ЭКСПЕРТИЗА — ОДИЛ СУДЛОВ ГАРОВИ

ЎЗБЕКИСТОН АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗДА СУД-ЭКСПЕРТИЗАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, судьялар, суд экспертлар ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этган тадбирда суд-ҳуқуқ тизимининг муҳим бўғини — суд-экспертиза соҳасини янада такомиллаштиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Жиноятларни самарали тергов қилиш, суд ишларининг холисона кўриб чиқилишини таъминлаш фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Шу боис ҳам юртимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, суд- экспертиза тизими ҳам изчил ривожланяпти.

Мазкур хизматнинг моддий-техник базаси тубдан яхшиланди. Суд- экспертиза муассасалари замонавий микроскопик ва аналитик техника воситалари билан жиҳозланди. Жумладан, ДНК, гиёванд воситалар, баллистика, изшунослик, ҳужжатларни техник криминалистик экспертизадан ўтказиш каби йўналишларда Республика суд-экспертиза марказининг техник имкониятлари янада кенгайди. Шу боис марказ ҳозир дунёнинг етакчи экспертиза муассасалари қаторидан ўрин олган.

Эътиборлиси, суд-экспертиза хизмати мутахассисларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва судларга бераётган ёрдами беқиёс. Экспертларнинг аниқ хулосалари адолат қарор топиши, одил судлов таъминланишида муҳим омил бўлмоқда. Шу боис анжуманда экспертиза хизмати олдида турган долзарб масалалар муҳокама этилди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ САЛОМАТЛИКНИ ТИКЛАШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИДА «ТИКЛАНИШ ТИББИЁТИ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда мамлакатимиз олимлари, мутахассислар, соғлиқни сақлаш бошқармалари вакиллари ва шифокорлар иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тиббиёт тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шифо масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги даволаш усуллари ва воситаларини, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Бу аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, жисмонан баркамол, маънавий етук авлодни камолга етказишда муҳим омил бўлаётир.

— Инсон саломатлигини тиклашда дори-дармонни қўллаш билан бир қаторда табиий усуллардан ҳам фойдаланиш яхши самара беради,— деди Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-текшириш институти пульмонология бўлими илмий раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Г.Содиқова ЎзА мухбирига.— Олимларимиз кейинги йилларда ана шу йўналишда кенг кўламда илмий изланиш олиб бормоқда. Бунинг натижасида турли касалликларни даволашда яхши самара берадиган юзлаб минерал сув манбалари аниқланди. Ҳудудлар табиий иқлим шароитининг бу борадаги афзалликлари ва халқ табобати анъаналарининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилди.

Анжуманда ана шу йўналишда тиббиёт илми эришаётган ютуқларга бағишланган ўттизга яқин маъруза тингланди. Юрак қон-томир касалликлари, нафас йўллари, ошқозон-ичак, таянч-ҳаракат тизимларига оид хасталикларни даволашда тиббий тиклаш ҳамда физиотерапия соҳаси олдида турган долзарб вазифалар хусусида фикрлашилди.

ЎзА

Солиқ

РЕЖАЛИ ИШ — САМАРА БЕРАДИ

БУГУНГИ КУНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЎСИҚ БЎЛАЁТГАН МУАММОЛАРНИНГ БАРТАРАФ ЭТИЛИШИ БОРАСИДА ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН ТУРЛИ КЎРИНИШДАГИ ҚОНУН БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА МУАЙЯН ТАРТИБДАГИ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН.

Давлатимиз бюджетининг бойитилиши ва пенсияни вақтида олиш учун солиқ ва мажбурий тўловларни вақтида тўлаш муҳим ҳисобланади. Айниқса, солиқ йиғувчанлик даражасини ошириш, солиқ тўлаш маданиятини шакллантириш ва жорий этилаётган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш бу борада энг долзарб вазифалар қаторига киради.

—Ҳамза туман солиқ инспекцияси томонидан бу каби масалаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда—солиқ ва мажбурий тўловларни вақтида тўлаш маданияти ҳалқимиз орасида шаклланиб бораяпти,—дейди туман солиқ инспекцияси Жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бош инспектори Баҳодир ака Каримов. — Чиндан ҳам туман инспекцияси томонидан бу борадаги ишлар кўнгилдагидек кетяпти, десак янглишмаймиз.

Президентимизнинг 2005 йил 27 декабрдаги 244-сонли Қарорининг бажарилиши юзасидан туман ҳудудидаги мавжуд барча маҳаллаларда участка солиқ инспекторлари томонидан тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилиши натижасида солиқ тўловчиларнинг солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлашларига эришилди. Тумандаги маҳаллаларда солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш ҳамда уларнинг солиқ юзасидан зарур маълумотларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида солиқ таянч пунктлари ташкил этилиб, уларнинг барча саволларига жавоб берилиб, аҳоли ўзини қизиқтирган маълумотларга эга бўлмоқда.

Туманда фаолият кўрсатиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар олиб борилаётган солиқ сиёсати кенг ислоҳотларга йўл очишини таъкидладилар. Масалан, туманда савдо-сотиқ ишларини амалга ошириб келаётган якка тартибдаги тадбиркор Марат Атахаджаев шундай дейди: «Биз белгиланган солиқ, мажбурий тўловларини вақтида тўлаганимиз учун ишимиз ҳам ривож топди ҳамда давлатимиз хазинасини бойитишга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз».

Демак, солиқ, маданиятининг халкимиз орасида шаклланиши ижобий томонларга ўзгармоқда. Буни биз солиқ тўловчиларнинг гапларидан ҳам билиб олишимиз мумкин. Аммо, бу'каби масалаларга эътиборсиз бўлаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Биз халқимизга солиқ ва мажбурий тўловларни вақтида тўлаб бориш, аҳолининг яшаш даражасига ижобий таъсир кўрсатишини тушунтиришимиз ва мактабдан бошлаб бу каби мавзуларга кўпроқ аҳамият берилишига эришсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Азамат ЗАРИПОВ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

ЯНГИЧА ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА

ЁЗНИНГ ИЛК ФАСЛИ ҲАМ БОШЛАНДИ. МАКТАБЛАРДА ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАЛАБАЛАР ИМТИҲОН ТОПШИРИБ, ЎЗЛАРИНИНГ БИЛИМ ҲАМДА КАСБ МАЛАКАЛАРИНИ ҚАНЧАЛИК ЎЗЛАШТИРГАНЛИКЛАРИНИ КЎРСАТМОҚДАЛАР.





Жумладан, Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида бу йил 18 та гуруҳ бўйича 486 нафар ўқувчилар битирув имтиҳонларини топширмоқдалар. Энг муҳими, битирувчиларнинг кўпчилигининг келгусида ишлайдиган жойи аниқ. Жумладан, маиший ва радиотехника таъмирловчиси ихтисослигига эга бўлган бир гуруҳ ўқувчилар «Фотон» акциядорлик жамиятида ўз фаолиятларини бошлайдилар. Шаҳримиздаги ПГС ва бошқа қатор корхоналарга ишга кираётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бу борада коллежнинг корхоналар билан ҳамкорлик алоқаларининг тобора ривожланиб бораётгани ҳам қўл келмоқда. Чунончи, илгарилари икки томонлама бевосита шартномалар (корхона-коллеж) амалиётга татбиқ этилган бўлса, ҳозирда уч томонлама (корхона-коллеж-ўқувчи) шартномасидан фойдаланилмоқда. Бу усул корхонага коллеж орқали ҳар бир муайян ўқувчи билан эгаллаган ихтисослиги бўйича келгусида ишга жойлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш амалиётини узайтириш юзасидан шартнома тузиш имконини беради. Бунда ҳам корхона, ҳам ўқувчининг манфаатлари таъминланади. Яъни корхона малакали мутахассисга эга бўлса, ўқувчи ўзига ёқадиган ишга жойлашади. Бундай янгилик кўпгина корхоналарда қизиқиш туғдирмоқда ва айрим ишлаб чиқарувчилар алоҳида ўқувчилар эмас, балки битирувчилар гуруҳи билан шартнома тузмоқдалар.

— Бундай шартномаларнинг асосий мақсади, — дейди коллеж директори Абдурасул Зокиров, — ўқув масканимиздан аниқ ишлаб чиқариш нуқтасини яхши билган мутахассисларни чиқаришдир. Шубҳасиз, у ёки бу корхона билан шартнома тузиш олдидан кенг кўламдаги ишларни олиб борамиз. Ҳозирги кунда биз «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзаэронавигация» маркази, «Фотон», «Ройсон» корхоналари билан яқин ҳамкорликда ишлаяпмиз. Улар ўқувчиларимизни амалиётга катта хоҳиш билан қабул қилишади. Ўз касб маҳоратларини оширишга интилаётганлар билан эса корхонада ишлаш ҳуқуқини берувчи шартномалар тузишади.

Шу билан бирга мазкур коллеж бу йил мактабларни битирган ўқувчилар билан ҳам касбга йўналтириш бўйича ишларни давом эттирмоқда. Жумладан, Чилонзор, Учтепа, Яккасарой, Шайхонтоҳур, Сергели, Собир Раҳимов, Миробод ҳамда пойтахт вилоятининг Зангиота тумани мактабларининг ўқувчилари коллеж ҳаёти, бу ерда ўқитилаётган ихтисосликлар билан яқиндан танишишга муваффақ бўлишди. Шу мақсадда абитуриентлар учун коллежда ўқувчилар ишлари ўрин олган техник кўргазмалар ташкил этилмоқда, ёшлар билан ўқув маскани ҳаёти тўғрисида ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари суҳбатлашмоқдалар. Қувонарли томони шундаки, коллежда ўқитилаётган касблар ёшларда қизиқиш уйғотмоқда. Улар радиотехника ва телеаппаратурани таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш, ЭҲМлардан, компьютерлар ва уларнинг тармоқларидан фойдаланиш бўйича мутахассисларга ҳамма жойда талаб мавжудлигини тушуниб етмоқдалар.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: имтиҳонларда ўқувчилар ўз билимларини кўрсатмоқдалар; ўқув устахоналарида назарий билимлар амалий кўникмалар билан мустаҳкамланади.





Таълим масканларида

БЎЛҒУСИ ҲАМШИРАЛАР БИЛИМ ОЛИШАДИ

КАСБЛАР ИЧИДА ШУНДАЙ ЎЗИГА ХОС КАСБ БОРКИ, УНИНГ СОҲИБЛАРИГА БИЗ ДОИМО ТАШАККУР АЙТАМИЗ. БУ ҲАМ ЗАҲМАТЛИ, ҲАМ ШАРАФЛИ ҲАМШИРАЛИК КАСБИДИР. ТУНУ КУН БЕМОРЛАР ЁНИДА УЛАРНИНГ ДАРДИГА МАЛҲАМ СИФАТИДА, АТРОФЛАРИДА ПАРВОНА БЎЛАДИГАН ОҚ ХАЛАТЛИ, ШИРИНСЎЗ, ЧАҚҚОН ҲАМШИРАЛАРНИНГ МЕҲНАТЛАРИ ҲАҚИҚАТАН ШАРАФЛИДИР. УЛАР ҲАР КУНИ ҚАНЧАДАН ҚАНЧА БЕМОРЛАРНИНГ САЛОМАТЛИКЛАРИНИ ТИКЛАШГА ЎЗЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАЛАРИНИ ҚЎШИБ, ЧЕКСИЗ ДУО ВА РАҲМАТЛАР ОЛАДИЛАР.

Мана шундай эъзозли касб соҳибаларини етиштириб бераётган таълим масканлари шаҳримизда талайгина. Ана шундай ўқув даргоҳлари орасида Сергели тиббиёт коллежининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда коллежда 2000 дан зиёд ўқувчи таҳсил олмоқда. Ўқувчиларнинг чуқур билим ва малакага эга бўлишлари учун ушбу масканда барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқув ва лаборатория хоналари турли зарур жиҳозлар,кўргазмали қуроллар, асбоб-анжомлар билан тўлиқ таъминланган. Икки қаватдан иборат мазкур даргоҳда 56 та синф, фан кабинетлари, кенг ва ёруғ тренажёр зали, мажлислар зали, Маънавият ва маърифат хонаси, тиббий ёрдам хонаси ҳамда 200 ўринли ошхона мавжуд бўлиб,улар доимо ўқувчилар билан гавжум.

— Ўқув масканимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ ўқувчиларга ҳар томонлама чуқур билим бериш, уларнинг касб маҳоратларини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига алоҳида эътибор қаратилган, —дейди биз билан суҳбатда Сергели тиббиёт коллежи директори Равшан Низомов.— Ушбу ўқув маскани 1984 йилда ташкил топган бўлиб, учта бўлимдан иборат. Ҳамширалик иши, даволаш иши, тиббий профилактика иши йўналишида ўқувчилар таҳсил олишади. Бу йил коллежни 840 нафар ўқувчилар битиришмоқда. 170 дан зиёд ўғил болалар фельдшерлик бўлимида таълим олишмоқда. Коллежимизда 100 дан зиёд малакали, ўз касбининг етук мутахассислари бўлган ўқитувчилар таълим беришади. Улар орасида олий тоифали ўқитувчилар ҳамда фан номзодлари ҳам мавжуд. Ф.Тошмуҳамедова, А.Ҳошимова, Ж.Нафигова, Б.Шониёзов, М.Сангинова, Д.Содиқова, М. Тожиева сингари тажрибали ўқитувчилар ўқувчиларга чуқур билимдан ташқари таълим-тарбия бериб, етук мутахассис бўлиб етишишлари йўлида самарали фаолият олиб боришмоқда. Маълумки, инсон саломатлиги энг муҳим масала. Ҳамширалар эса бемор ҳаёти учун ўта масъул шахс. Шу боис масканимизда бўлғуси ҳамшираларга бу касбнинг нақадар масъулиятли эканлигини кенг тушунтириб борилади. Ҳамшира аввало ўз касбини пухта биладиган, қатъиятли, чаққон, шу билан бирга ширинсўз бўлиши зарур. Буни ўқувчиларимиз ёддан чиқармайдилар албатта.

Билим даргоҳини айланар эканмиз, ўқув йили якунланаётган айни дамда битирувчи ўқувчиларнинг ҳам дил сўзларига қулоқ тутдик.

— Мен бу йил ушбу коллежни битириш арафасидаман. Бу ерда бизга таълим берган устозларимиздан ниҳоятда хурсандман,—дейди «Битирувчи-2006» кўрик-танлови ғолиби Ҳусан Ашурметов.— Чунки коллежда ҳар томонлама чуқур билим ва малакага эга бўлдим. Шу касбни танлаб хато қилмадим. Мақсадим келгусида етук мутахассис бўлиб халқимиз саломатлигини сақлашда муносиб ҳисса қўшишдан иборат.



Дарҳақиқат ўқув масканида юқорида айтилганидек ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли хил маънавий-маърифий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу ҳақда коллежнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Абдунаби Орипов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Коллежимизда ўқувчиларнинг маънавиятини бойитиш, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, миллий қадриятларимизни эъзозлашга ўргатиш мақсадида турли хил маънавий-маърифий тадбирлар, танловлар, халқ шоирлари ҳамда ёзувчилари билан учрашувлар ўтказиб келинади. Шунингдек ёшларга чекишнинг зарарли оқибатлари ҳақида, СПИД, гиёвандлик тўғрисида, «Никоҳ шартномаси ёхуд тўйдан олдин тиббий кўрикнинг аҳамияти» мавзусида мутахассислар ва Ички ишлар ходимлари иштирокида даврa суҳбатлари ўтказилади. Халқаро «Экосан ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган «Атроф- муҳит ҳолати ва инсон саломатлиги» мавзусида ўқув-услубий семинарлар, Жанубий кореялик меҳмонлар билан учрашувлар ҳам шулар жумласидандир. Айниқса вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича мунтазам семинарлар ўтказиб келяпмиз. Ўқув масканимизда ҳар ойнинг охирги жумасида «Маънавият кунлари»ни ўтказиш анъанага айланган. Ўқувчиларнинг маданий дам олишларини уюштириш мақсадида кино ва театрларга боришлари ташкил қилинган. Куни кеча «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб ўтказилган экофестивалда ўқувчиларимиз «Табиатни асранг» мавзусидаги ижодий ишлар танлови ҳамда Орол фожеаси бўйича саҳна кўринишлари билан қатнашиб фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлдилар. Энг қувонарлиси коллежда иқтидорли ўқувчиларимиз жуда кўп. Мақсадимиз ўқувчиларни ҳар томонлама билимли, комил инсон қилиб тарбиялашдан иборат.

Ўйлаймизки, ёшлар камолоти йўлида амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар албатта бесамар кетмайди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Сергели тиббиёт коллежи ҳаётидан лавҳалар

«ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ВА ҲУҚУҚ»

А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИДА «ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ВА ҲУҚУҚ» МАВЗУИДА АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур тадбир Республика Халқ таълими вазирлиги, Бош прокуратура,«Маънавият ва маърифат» маркази, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда туман халқ таълими бўлими мутахассислари, мактаб директорлари, педагоглар, ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Айни вақтда ёшларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбирда берилган маълумотларга кўра, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундай натижага эришишда Халқ таълими вазирлиги ҳамда қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган «Оила, маҳалла, мактаб» концепциясини ҳаётга татбиқ этилишининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Анжуманда бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, ўқувчилар ўртасида олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини уларнинг дунёқараши, руҳияти ва қизиқишига мос равишда ташкил этиш, тарғибот-ташвиқот ишларининг янада таъсирчан ва самарали усулларидан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

РАССОМ – 60 ЁШДА

ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ МАРКАЗИДА ТАНИҚЛИ РАССОМ АБДУМАННОН ЮНУСОВНИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Рассомнинг 60 йиллигига бағишланган экспозицияда ижодкорнинг турли йилларда яратган график ва рангтасвир асарлари намойиш этилмоқда.

Абдуманнон Юнусов 1946 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1962 йил Р. Бенков номидаги Республика рассомчилик билим юртини тугатиб, аввалги Театр ва рассомчилик институтида ўқишни давом эттирди. Е. Меликов ва И. Имонов қаби устозларининг меҳнати А. Юнусовни таниқли рассом бўлиб шаклланишида катта аҳамият касб этди. У 1977 йилдан бошлаб Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси бўлиш билан бирга, кўплаб республика ва халқаро кўргазмаларнинг мунтазам иштирокчиси ҳам бўлди. Рассомнинг туркум асарлари унинг серқирра ижодкорлигидан далолат беради. Илк ижоди ўзи яшаб турган ҳовли, маҳалла манзараларини қоғозга туширишдан бошланган. У бир оила ҳаётини ёки боғ манзараларини ўзига хос услубда тасвирлай олади.

А. Юнусов асарлари Ўзбекистон давлат санъат музейи, Тасвирий санъат галереяси, Бадиий кўргазмалар дирекцияси ҳамда юртимиз ва хориждаги хусусий тўпламлардан муносиб ўрин олган.

Кўргазма 15 июнга қадар давом этади.

Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

Таълим

СПОРТ ЭСТАФЕТАСИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА СПОРТ ЭСТАФЕТАСИНИ ЎТКАЗИШ ЯХШИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. НАВБАТДАГИ БУНДАЙ ТАДБИР ҲАМ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Олий ўқув юртининг клиника ходимлари, тиббий-педагогика ва стоматология факультетлари профессор-ўқитувчилари ўртасидаги бу беллашув енгил атлетиканинг 1,2 километрга югуришига бағишланди.

Эстафетада ғолибликни қўлга киритган командалар ҳомий ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. «Спортга эътиқоди учун», «Яхши кураш техникасини кўрсатган», «Саломатлик тарғиботчиси» каби номинациялар бўйича ҳам алоҳида мукофотлар берилди.

ТАЛАБА — ХАЛҚАРО ТОИФАДАГИ ҲАКАМ

«XXI АСР НИҲОЛЛАРИ» КИТОБИГА КИРИТИЛГАН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ОРАСИДА УМИДЛИ ТАЛАБА ДАВРОНБЕК ҚОДИРОВ НОМИ ҲАМ БОР. ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИНИНГ «АВТОМОБИЛСОЗЛИК» ФАКУЛЬТЕТИДА АЪЛО БАҲОЛАРДА ТАҲСИЛ КЎРАЁТГАН БУ ТОЛИБИ ИЛМ СПОРТНИНГ КИКБОКСИНГ ТУРИ БИЛАН ЯҚИНДАН ШУҒУЛЛАНИБ КЕЛМОҚДА.

Олий ўқув юртининг спорт клубида кикбоксинг секциясини ташкил этиб, унга мураббийлик қилмоқда. Халқаро кикбоксинг Тошкент вилояти кўригида қатнашиб, «Йилнинг энг яхши спорт клуби» номинациясини қўлга киритди. Унга катта ишонч билдирилиб, спортчи талаба Тошкент шаҳар кикбоксинг федерацияси вице-президенти этиб тайинланди.

Тошкентда ўтказилган кикбоксинг бўйича Осиё чемпионатида ҳакамлик қилди. Бу соҳадаги фаолияти муносиб тақдирланди ҳамда Жаҳон Кикбоксинг Ассоциацияси томонидан «Халқаро тоифадаги ҳакам» сертификатини қўлга киритди.

Унинг саъй-ҳаракати билан институтда кикбоксингга қизиқувчилар сони ортиб бормоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Танловлар

РАҚҚОСАЛАР БЕЛЛАШДИ

МАЪЛУМКИ, РАҚС САНЪАТИМИЗ ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ОРАСИДА ЎЗ МАҚОМИ ВА КАТТА ОБРЎГА ЭГА ЭКАНЛИГИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ. УНИНГ БОШҚА МИЛЛАТЛАР РАҚСЛАРИДАН КАМ ЭМАСЛИГИ БАРЧАМИЗГА АЁН.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўзбекона рақсимизнинг тарихий анъаналари ва услубларини тиклаш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ўзига хос рақс йўналишларини авайлаб-асраш ҳамда бойитиш, миллатимизнинг ўзига хос шарқона фазилатлари, бой маънавиятига санъатининг қарор топган ва ривожланиб бораётган анъаналарини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг юксак маънавияти ва нозик дидига зид бўлган ноўрин тақлидлар, ҳар хил ноўрин либослар хуружидан сақлаш мақсадида республикамиз бўйлаб бир неча йиллардан буён «Ўзбекнаво», «Ўзбекрақс», «Ўзбектеатр» бирлашмаларида, бадиий жамоаларда, санъат ва маданият муассасаларида камида икки йил фаолият кўрсатган умидли ва истеъдодли, 18 дан 25 ёшгача бўлган ёшлар иштирокида танлов ўтказилиб келинмоқда. Танлов давомида нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан ижро этилаётган рақсларнинг миллий руҳда саҳналаштирилишига, инсоннинг бой ички оламини, унинг гўзал орзуларини, аёлларнинг иффати, ҳаёси, назокати, латофати, эркаклар рақсида эса йигитлик шижоати мужассам бўлиши, оммавий рақсларда эса асар мазмунига, халқимизнинг бой маданий тарихи, урф-одат ва анъаналари қамраб олинишига эътибор берилади.

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ғанловда фахрли ўринга Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театри қошидаги «Офарин» замонавий рақс ансамблидан Зарина Фаттоева лойиқ деб топилди. 2-ўрин Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигидан Зоҳро Шамсихонова, 3-ўрин эса Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамблидан Каромат Фахриддиновага насиб этди. Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминов раислигида ўтган бу танлов ўзининг ҳаққонийлиги ва истеъдодларни тўғри танлангани билан барчага манзур бўлди.

Мухтасар КАРИМОВА





«Ёз—2006»

ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ТЕХНИК-ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ ҲАМДА ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ЁЗ— 2006» ДЕБ НОМЛАНГАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ СЕМИНАРДА КЕНГ МИҚЁСДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСЛОҲОТЛАРИ, МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ ДАВРИДА ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШЛАРИ НАМУНАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАЁТГАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ.

— Тадбиримизни ўтказишда ўз олдимизга бир қанча мақсадларни қўйдик, — дейди Ўқувчи ёшлар техник-ижодиёт маркази директори Саодат Худойқулиева. — Бугунги йиғилишимизга тўнамимиздаги 42 та умумтаълим мактабларидан малакали ўқитувчиларни жалб этдик. Уларга ёз давомида мактаб дам олиш оромгоҳларида болаларнинг бўш вақтларини қандай ташкил этиш борасида кўрсатмалар берилади. Ўрганилган билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида тарқатма материаллар билан таъминлаймиз.

Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, мазкур таълим даргоҳида 1614 нафар иқтидорли ўқувчиларга 32 нафар халқ таълими заҳматкашлари таълим-тарбия бериш билан бир қаторда касб-ҳунар сирларидан ҳам воқиф этадилар. Таълим масканида туман мактаблари ўқувчилари дарс машғулотларидан кейин қаштачилик, зардўзлик, ракета модель ва бир қанча йўналишларда сабоқ оладилар.

— Семинар йиғилишида биринчи йил иштирок этмоқдаман ва у менда катта таассурот қолдирди, — дейди Юнусобод туманидаги 96-сонли ўрта умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Мастура Шокирова. —Ҳамкасбларимдан ниҳоятда миннатдорман. Негаки билмаган нарсаларимни сўраб ўрганмоқдаман, улар ҳам бу борада қўлларидан келган ёрдамларини аяшгани йўқ.

Хидирали ПАНЖИЕВ

СУРАТЛАРДА: семинар қатнашчилари ҳар бир мавзу юзасидан атрофлича мулоҳаза юритдилар; марказ раҳбари Саодат Худойқулиева ҳамкасблари билан галдаги режалар хусусида ўртоқлашмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Кўргазмалар

ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ АСАРЛАР

НАФАҚАТ БИЗНИНГ ЮРТИМИЗДА, БАЛКИ БУТУН ЖАҲОН МИҚЁСИДА ИНСОНИЯТГА ЖИДДИЙ ХАВФ СОЛАЁТГАН ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ, УЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ОҚИБАТЛАРИДАН ОГОҲ ЭТИШ ТУРЛИ МАЪРИФИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ТУРИБДИ. УЛАР ОИТС, ГИЁВАНДЛИК, КАШАНДАЛИК, ИЧКИЛИКБОЗЛИК ИЛЛАТЛАРИДАН НАРИ ЮРИНГЛАР ДЕБ БОНГ УРМОҚДАЛАР.

Яқинда плакатчи рассомлар ва уларнинг ҳомийлари ташаббуси билан Халқаро Маданият карвонсаройида ўтказилган тадбир ана шу долзарб масалаларга қаратилди. У ерда «Биз иллатларга қаршимиз» деб номланган плакатчи рассомлар ижодининг кўргазма-танлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадиий академияси, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Экосан» ташкилоти каби ҳомийлар кўмагида ўтказилган бу ибратли тадбирга турли ёшдаги ва профессионал даражадаги 33 та мусаввирнинг 85 та асари тақдим этилди. Улар махсус кўргазмада намойиш қилинди. Эътиборни тортувчи, қизиқарли асарлар қаторида эса «Кўкнори-заҳар!», «Гиёвандлик ўлим!», «СПИД сиртмоғидан сақлан!», «Боланинг бегонаси бўлмайди», «Ҳамён кушандаси», «Ўзингнинг йўлингни танла», «Спортни танладик», «Ватанимиз тинч бўлсин!» деб номланган таъсирчан плакат намуналари ҳам бор эди. Кўргазмадаги тасвирий асарлар мутахассислардан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланиб, кўрик-танлов ғолиблари аниқланди. Унинг натижасига кўра 1-ўрин Улуғбек Икромхўжаевга, 2-ўрин Носиржон Ҳусановга, 3-ўрин Алия Муштаевага насиб этди. Кўргазма-танловнинг бош мукофоти Гран-при совринига таниқли плакатчи рассом Акбар Баҳромов сазовор бўлди. Кўргазма-танлов иштирокчиларидан 10 дан зиёди эса рағбатлантирувчи мукофот ва сертификатлар билан тақдирландилар.

Баҳром ТОЖИЕВ

Ўз=ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ТИРИШҚОҚЛИК

Болалар, тиришқоқ бўлинг! Зеро, дунёдаги барча тирик нарсалар ҳаракат қилади, интилади ва шу туфайли ҳаётга зарур бўлган нарсаларга етишади. Ҳатто энг заиф ҳисобланган арилар, чумолилар ва қушлар ҳам интилишда бўлиб, ёздан ташқари, қиш ғамини ҳам ейдилар.

Қисқаси, ҳар бир тирик жон яшаш учун ҳаракатда ва интилишдадир. Ўргимчакка назар солинг, у тирикчилик дардида доимо тўқиш билан овора, агар тўрининг бирор ери бузилса, дарҳол таъмир этиш ва тузатишга киришади.

Барча инсоннинг биринчи вазифаси—кишининг юриштуриши ва яшаши учун зарур бўлган ҳалол ризқ топиб, ейиш-ичишга етарли нарса ҳосил қилиш. Бунга эса тиришқоқлик ва интилиш орқали етилади.

АСАЛАРИ БИЛАН ЧУМАКАРИ ҲИКОЯСИ

Асаларилар қуёш чиқиши биланоқ ўз инларидан чиқиб, гулзор ва боғларга, узоқ-узоқ жойларга учиб кетишади. Гуллардан гулларга ўтиб, асал йиғишади. Сўнг уйларига қайтиб келиб, йиққан нарсаларини тартибга солишади. Натижада жуда тотли ҳисобланган асал вужудга келади. Асалнинг барча нарсадан тотлилиги ҳам унинг зўр машаққат туфайли топилишидир.

Инсонларнинг ҳам интилиш ва уриниши туфайли қилган нарсалари беҳад ширин эканлигини таърифлаб ўтиришга хожат йўқ.

Асаларидаги қарама-қарши ўлароқ чумакарилар жуда танбал бўлишади, фақат бугунни ўйлаб, қорин тўйдириш пайтларида ҳар хил яхши жойларда учиб ўйнаб, вақтларини ўтказадилар. Қиш учун лозим бўладиган овқатларини йиғиш тадбирига киришмайдилар. Натижада қиш келиши ва совуқ тушиши билан ўз танбалликлари сабабли қирилиб кетадилар.

Демак, ишлаш ва меҳнат қилиш керак бўлган пайтда вақтларини танбаллик билан ўтказган кишилар оғир қийинчиликларга, балки ҳалокатга маҳкум бўладилар.

МЕВАЛИ ВА МЕВАСИЗ ДАРАХТ

Мевали дарахт аввал баҳордан ғунча тугиб, гуллаши билан латофатга кўмилади. Кейин эса мева етказиб бериши билан ўз камолотини намойиш этади. Шунинг учун одамлар мевали дарахтни ўз фарзандларидек тарбиялаб, боғларига экадилар, сув берадилар, яхши ўсиши учун чора кўрадилар.

Мевасиз дарахт эса жоҳил ва нодон одамларга ўхшайди. Мева қилмагани учун эътибордан четда қолади, охири уни қўпориб, ўтин қилиб ёқадилар.

Булардан хулоса чиқарган ақлли кишилар мевали дарахт каби обрў ва эътибор қозониш учун илму маърифат мевасини етиштиришга жон-жаҳдлари билан уринадилар.

ФАЗИЛАТ ЭГАСИ БЎЛИШ

Болалар сизга насиҳат қилганлар дўстларингиздир, аксинча, ёмон ишларни ўргатадиганлар душманларингиздир. Яхши ишлар инсонни шарафли қилишдан ташқари виждон роҳатини ато қилади. Ёмон ишларни қилиб юрганлар эса эътиборлари бўлмаганидан ташқари, юраклари нотинч бўлади, роҳатлари бўлмайди. Яхшилик тарафдорлари бўлган кишилар сизларга насиҳат қилган кишилар бўлса, ёмонлик одати бўлган кишилар эса сизларни ёмон ишга ундаганлардир.

Демак, яхши инсонлар ҳамиша афсус-надомат чекишдан узоқда, қалблари эса роҳатда бўлади. Ёмон кишилар эса виждон азобига йўлиққан бўладилар, ёмон ишларидан кўрқиб, азоб-уқубатда яшайдилар ва юрак ўйноқ касалидан қутулмайдилар.

Болалар! Қимматли вақтингизни беҳуда кетказманг, ҳамиша ҳаракатда бўлинг, шунда сиз роҳат ва фароғатда бўласиз, иззат ва ҳурматингиз ошади!

ИБРАТ ОЛИШ

Болалар! Дунёда мавжуд бўлган нарсаларнинг барчасига ибрат кўзи билан боқинг! Яхши инсонларнинг қилаётган ишларидан, уларнинг ғайрат ва шижоатларидан ўрнак олинг!

Инсон доимо қурашда ва интилишда бўлади. Қариш, икки букилиш, юзлари тиришиш ва оқибатда ўлиш инсон қочиб қутулмайдиган нарсалардир. Демак, шундай экан, сиз ёшликда қаттиқ ҳаракат қилинг, қилиниши лозим бўлган ишларни қилиб олинг. Шунда сиз қариган пайтларингизда роҳатда яшайсиз!

ҒАЗАБЛАНИШ

Ғазаб—руҳий ҳолатдаги энг ёмон зарарли ҳолдир. Ғазаб инсон қонини ларзага келтиради, баданни хароб қилади. Буни билган ҳар кимса бу азим бало оловидан ўзларини сақлашлари, бўлар-бўлмасга ғазабларини қўзғатавермасликлари керак.

Ғазабланмаслик гарчи бизнинг иродамизга боғлиқ бўлмай, ундан ўзни сақлаш оғир бўлса-да, бироқ унга эрк бериб юбориш ҳам юрагимизни издан чиқаради.

Инсоннинг хушмуомила бўлиши унинг саломатлигини оширади.

Иссиқ мижозли, қизиққон, асаби суст кишилар доимо ҳазми осон овқатларни ейишлари, совуққонликка рағбат этишлари, қонни қиздирадиган ўткир нарсалардан парҳез қилишлари, кучли жисмоний меҳнат, фикрлаш меъёридан кўп ўқишдан эҳтиёт бўлишлари зарур.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти томонидан Ғуломова Наргиза Рустамовна номига 2004 йил 29 октябрда берилган № 0306643 рақамли якка тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Собир Раҳимов туман Халқ таълими бўлими ва тумандаги Л.Б.Шастри номли ҳинд тилига ихтисослашган 24-мактаб жамоаси мактаб директори Д.Х.Мираҳмедовага турмуш ўртоғи

Мирсодиқ МИРАҲМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.





Футбол

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

ЭРТАГА МАФТУНКОР ГЕРМАНИЯНИНГ ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ XVIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ БАҲСЛАРИ БОШЛАНАДИ. БУ ДЕМАК БИР ОЙ ДАВОМИДА ЖАҲОННИНГ БАРЧА МАМЛАКАТЛАРИДА УЛКАН ФУТБОЛ БАЙРАМИ ҲУКМ СУРАДИ.

Албатта, ҳар доим бўлганидек, бу галги чемпионатнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари, ютуқли томонлари бор. Энг аввало шуни таъкидлаш керакки, турнирда Тринидал ва Тобаго, Кот-д' Ивуар, Ангола, Гана, Того, Украина каби олти терма жамоа илк бор иштирок этмоқда. Бу ҳам жаҳон футболида кучлар аста-секин тенглашиб, янгидан-янги ўзига хос командалар пайдо бўлаётганидан далолат беради.

Чемпионатнинг эътиборга молик яна бир жиҳати шундан иборатки, қуръа ташлаш чоғида сараланган энг кучли терма жамоаларга қолган мамлакатлар адолатли ва оқилона тарзда тақсимланиб, гуруҳларга бўлинди. Натижада, кейинги йилларда кўп марта кузатилганидек, жуда кучли жамоалардан иборат «ўлим гуруҳлари» деярли йўқ



ҳисоби. Фақат, Аргентина, Голландия, Кот-д' Ивуар, Сербия ва Черногория жамоалари ўрин олган «С» ҳамда Бразилия, Австралия, Япония, Хорватия терма командаларидан иборат «F» гуруҳлари нисбатан кучлироқ ҳисобланмоқда.

32 йиллик танаффусдан сўнг Германияда мазкур чемпионатга жуда катта тайёргарлик кўрилганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли. Жумладан, беллашувлар ўн тўртта шаҳарда жойлашган замонавий стадионларда ўтказиладиган бўлса, улардан тўққизтаси жаҳон чемпионати арафасида энг сўнгги талаблар даражасида қайта таъмирдан чиқарилди.

Гуруҳлардаги учрашувлар 9 июнда бошланиб, 23 июнда ниҳоясига етади. Нимчорак финал баҳслари 24-27 июнда, 1/4 финал ўйинлари 30 июнь ва 1 июлда, ярим финал 4 ва 5 июль куни ўтказилса, ҳал қилувчи финал учрашуви 9 июлда Берлиндаги 74.220 мухлисга мўлжалланган «Олимпиаштадион»да бўлади.

Албатта, мухлису мутахассисларни ким чемпион бўларкин деган масала доимо қизиқтириб келади. Шу жиҳатдан олганда жамоаларнинг таркиблари ва тайёргарлик даражаларига назар ташлайдиган бўлсак, бу гал ҳам амалдаги жаҳон чемпионлари бразилияликларга тенг келадиганлар йўқ ҳисоби. Зеро, бразилияликлар таркибида бугунги кундаги жаҳоннинг энг кучли футболчиси — ФИФА томонидан икки бор курраи заминнинг энг яхши футболчиси деб топилган, ўтган йилги «Олтин тўп» соҳиби Роналдиньо тўп сурмоқда. Бинобарин, Роналдо, Роналдиньо, Адриано ва Робиньо каби футболчилар тўп сураётган ҳужум чизиғи бошқа бирорта терма жамоада йўқ. Ҳимояда Кафу ва Роберто Карлос «хотиржамлик»ни таъминласа, ярим ҳимояни Эмерсон, Кака, Жильберту Сильва, Эдмилсон каби ўйинчилар гуллатишади.

Гарри Нэвилл, Эшли Коул, Рио Фердинанд, Стивен Жерард, Дэвид Бекхэм, Фрэнк Лэмпард, Уэйн Руни, Майкл Оуэн сингари юлдузларга эга Англия терма жамоасида ҳам чемпионликка эришиш учун барча имкониятлар мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. «Уйда ҳатто деворлар ҳам ёрдам беради», деганларидек, янги авлод вакиллари — Оливер Нойвилль, Михаэл Баллак, Мирослав Клозе, Лукас Подольски, Оливер Кан каби моҳир чарм тўп усталари Германия терма жамоасининг муваффақиятларини таъминлашлари учун бор куч-маҳоратларини ишга солишлари таъминлайди.

Албатта, Аргентина, Голландия, Италия, Испания, Франция каби кўп йиллик хайрли анъаналар ва кучли футболчиларга эга бўлган терма жамоаларни ҳам назардан қочирмаслик керак. Қолаверса, кейинги йилларда Осиё ва Африка футболининг ҳам тобора юксалиб бораётганини эътиборга олган ҳолда, Жанубий Корея, Япония, Кот-д' Ивуар, Парагвай командаларининг ҳам ҳар қандай жамоани мағлуб этишга тайёрлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бироқ, «Майдон текис, тўп юмалоқ», деганларидек, жаҳон чемпионатларида ҳар қандай кутилмаган ҳолат юз бериши, энг кучли жамоалар ўз ўйинини йўқотиб, заиф ҳисобланаётган командаларнинг зафар қучиши ҳам мумкин. Энг муҳими, барча ишқибозлар бир ой давомида ҳар бири тарих саҳифаларидан мангу ўрин оладиган жаҳон чемпионатининг шиддатли ва бетакрор баҳсларидан баҳраманд бўлишади.

Ўйинчилардан эса Роналдиньо, Адриано, Робиньо (Бразилия), Павел Недвед (Чехия), Уэйн Руни, Майкл Оуэн (Англия), Тьерри Анри (Франция), Руд ван Нистельрой Арьен Роббен (Голландия), Ан Жун Хван (Жанубий Корея), Аруна Диндан, Дидье Дрогба (Кот-д' Ивуар), Андрей Шевченко (Украина) каби футболчиларнинг юлдузи чақнаши кутилмоқда. Шунингдек, кўплаб янги юлдузлар ҳам кашф этилиши мумкин. Эрон терма жамоаси таркибида эса 37 ёшли, терма жамоалар таркибида тўп уриш бўйича рекорд натижага эга (147 ўйинда 109 та тўп) машҳур футболчи Али Даи ўйнаётганлиги ҳам мухлислар ўртасида чемпионатга қизиқишни ошириши табиий. Мутахассис ва мухлислар жаҳон чемпионатлари тарихидаги 2000 голни ҳам ушбу чемпионатда кўришади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: 1998-2002 йилардаги жаҳон чемпионати ўйинларидан лавҳалар.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ (ФИФА) ТОМОНИДАН ТЕРМА ЖАМОАЛАРНИНГ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ АРАФАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЯНГИ РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ УЧУН КУТИЛМАГАН КЎРСАТКИЧ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ.

Гап шундаки, уч ойдан бери биронта ҳам ўйин ўтказмаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси, рейтинг натижасига кўра 60-ўринга лойиқ топилди. Шуниси қизиқки, аввалги рейтинг жадвалида 59-ўринни эгаллаган терма жамоамиз 171 очко жамғариб ўз ўрнини 176 очкога эга бўлган шотландияликларга бўшатиб берди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Қатралар

ЎЗИГА ЎЗИ ДУШМАН

Деворнинг кўп қисми сомонли лой билан сувалди-ю, озгина қолганда...Лой бор-у, қўшишга сомон йўқ.

— Мени шундоқ сувайвер. Сомонсиз сувалсам боққан кўзларга чиройли бўлиб кўринаман-да, —деди лой андавага сомонли сувоқни ёқтирмай.

— Мени камситганинг майлию, —деди сомонли сувоқ андаванинг фикрини қўллаб,— юзим силлиқ чиройли бўлсин, деб сомонсиз ўзингни эплолмай қолсанг мен ҳам уяламан. Тупроғимиз бир-да.

Сомонни ёқтирмаган лой қайта-қайта пишитилиб сувалса ҳам қуригач, йўл-йўл ажраб, ёриғидан девор ҳам кўриниб қолди.

— Ўзингни ҳам, мени ҳам уялтирдинг,—деди андава сомонсиз лойни шахд билан кўчириб туширяркан.

Манманликнинг умри қисқадир.

АЖОЙИБ ХИСЛАТ

Ажойиб хислатингиз бор эди, отажон. Ёдимда, кўшни деҳқонни офтоб уриб, тўшакка ётқизди. Экинлар сувсиз қолди.

«Бизники қарқара бўлиб ўсса-ю, уники қовжираб қолса инсофданми» деб туни билан экинига сув тарадингиз. Ёнингизда фонар ёқиб юрганман. Қанча азоб, кесакларга қоқилиш. Бўлмаса, у сизга бошида қанча дашном берган эди. Тунда сувингизни бўғиб, ўз пайкалига оқизган. Ишингизга иш қўшган. Қойилман, уялтирдингиз уни. Дилидаги сизга бўлган совуқ музини яхшилик нури билан эритдингиз.

Гоҳ, ғурурга берилиб, одамларнинг яхшилигини унутгудек бўлсам сиз ёдимга тушасиз, юрагим ларзага келади. Сиз-ку ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қилгансиз.

Мен эса... Сиздаги тоғдек сабру қаноат менга ҳам насиб қилармикин, азиз отажон?

Ғани АБДУЛЛА

Мунажжим башорати

МУҲИМ ИШЛАРГА ҚЎЛ УРАВЕРИНГ

9 ИЮНЬ, ЖУМА

БУГУН ОЙ ТЎЛИШИШИ БОШЛАНАДИГАН КУН. МУНАЖЖИМЛАРНИНГ ФИКРИЧА, БУНДАЙ КУНЛАРДА МУҲИМ ИШЛАРГА ҚЎЛ УРИШ ХАЙРЛИ БЎЛАДИ. БАРЧА СОҲАЛАРДА – ҲАМ ЖИСМОНИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ, ҲАМ ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАР ЖИҲАТИДАН ТЎЛА БАНД БЎЛИШ МАНФААТЛИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ички таранглик, асабийлик шошилинч қарорлар қабул қилиш зарурати билан боғлиқ бўлади. Кўлимизга тушган қандайдир янги хабар бизни эсанкиратиб қўяди. ҳаммасини қойилмақом қилгимиз келадию, лекин журъатимиз, ғайратимиз етишмайди. Нималарнидир бой бергандай туюлади бизга. Агар шошилинч бўлмаса, баъзи муаммолар ечимини душанбагача қолдириб турганингиз яхшироқ.

Кечикиш эҳтимоли йўқ эмас. Кимларгадир ёрдам қўлини чўзиш, бошқалар иши билан банд бўлишга тўғри келади. Бугун тақдимотлар уюштириш, ўзимизни яхши томондан намоён эта оладиган машғулотлар ва ишлар хайрли бўлади. Оқшомни театр ва концертларга, меҳмондорчиликка бориш билан ўтказишга не етсин.

Бу кеча кўрадиган тушларингизга ҳам алоҳида эътибор қилинг: тушда ҳайвонлар ва паррандаларни кўриш жуда яхши. Сувда сузиш эзгуликларга ишора.

Бугун оч юриш, овқатдан ўзингизни тортишингиз мумкин эмас. Лекин жигар ва ўт пуфаги заиф ҳолатда бўлишини унутманг. Экзотик ҳамда шубҳали таомлардан узоқроқ бўлганингиз маъқул.

Кийимларнинг ёрқин бўлмаган, яшилликка яқин рангларини танланг. Ҳаворанг ва кумушранг либослар ҳам чакки бўлмайди. Фақат сариқ ва зарғалдоқранг ҳар қандай либосларингизни жавонингизнинг нариги бурчига суриб қўя туринг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармонига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ва директор ўринбосари лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
I	Директорликка	
1	Тошкент Алоқа касб-ҳунар коллежи	Шайхонтоҳур тумани, У.Юсупов кўчаси, 70-уй.
2	Юнусобод Дизайн касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, Уста Ширин кўчаси, 98-уй.
II	Директор ўринбосарлигига	
1	Тошкент Саноат касб-ҳунар коллежи	М.Улуғбек тумани, массив Яланғоч даҳаси, Раҳматуллин кўчаси
2	Ҳамза Қурилиш касб-ҳунар коллежи	Ҳамза тумани, Слоним кўчаси, 113-уй
3	Чилонзор Матбаа касб-ҳунар коллежи	Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 21-уй
4	Тошкент Агротижорат касб-ҳунар коллежи	Учтепа тумани, Ўрикзор даҳаси
5	Юнусобод Машинасозлик касб-ҳунар коллежи	Юнусобод тумани, 14-мавзе

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар тизимида педагог иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;

2.Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;

3.Сўровнома (справка-объективка);

4.Таржимаи ҳол;

5. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;

6.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;

7.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

8.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;

9.Паспорт (нусхаси);

10.Тавсифнома.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй, 6-қават:

Тел: 136-05-01, 133-80-34.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 . 6